

**Аутсорсинг шартларн асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА № 2**

Марғилон шаҳри

2022 йил «_16_» АПРЕЛЬ

Марғилон шаҳар Тиббиёт Бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Н.Х.Рахимов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва **“Supply Foods” масъулияти чекланган жамияти** номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Б.Махмудов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш. Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини (Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси) тасарруфидаги шифохоналарда даволанаётган беморларга сифатли тайёр пархез озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаб бериш ишларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «_16_» _____ апрель _____ дан.

2022 йил «_31_» _____ декабрь _____ гача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йўл-далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

- 2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (қўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
- 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;
- 2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соғ холда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
- 2.2.13. Томонлар имзоладиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (ҳоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);
- 2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.
- 2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;
- 2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.
- 2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:
- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йўғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (ҳоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **1 261 598 750 (Бир миллиард икки юз олти миш бир миллион беш юз тўқсон саккиз минг етти юз эллик) сўм**ни ташкил этади
- 3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йўғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.
- 3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йўғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.
- 3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.
- 3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта қўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озода этмайди.
- 4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўлади.
- 4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.
- 4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

- 5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
- 5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга қўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

- 6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас қуч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Томонларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари

- 7.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирларига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.
- 7.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ун) иш куни мобайнида тушунтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 7.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион ҳаф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

VIII. Яқунловчи қоидалар

- 8.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
- 8.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
- 8.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик қучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

- 9.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан қучга қиради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

X. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Supply Foods” МЧЖ

Манзил: Марғилон шаҳар Фуркат кўчаси 11-А уй

Х/р: 20208000405270382001

Банк: "Ипотека-Банк" АТИБ Фарғона вилоят филиали

МФО: 00544

СТИР: 307 666 566

ИФУТ: 46170

ОКОНХ:

Рахбар:

Б.Махмудов

МАРГИЛОН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ

Манзил: Марғилон шаҳар Туркистон №171

Тел./факс: 73-253-20-04

ш/х* 100022860304127043101054011

СТИР: 200138669 ОКОНХ: 91511

Х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Банкнинг номи: ХККМ Марказий банк Тошкент
шаҳар Бош Бешкармаси

Рахбар:

Н.Х.Рахимов

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича № 2 шартномага
ИЛОВА

ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

T/p	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх	Хизмат бирликлар и сони	Жами сумма ККС билан
1.	Январь	31				
2.	Февраль	28/29				
3.	Март	31				
4.	Апрель	30	услуга	13250	7943	105 244 750
5.	Май	31	услуга	13250	10909	144 544 250
6.	Июнь	30	услуга	13250	10909	144 544 250
7.	Июль	31	услуга	13250	10909	144 544 250
8.	Август	31	услуга	13250	10909	144 544 250
9.	Сентябрь	30	услуга	13250	10909	144 544 250
10.	Октябрь	31	услуга	13250	10909	144 544 250
11.	Ноябрь	30	услуга	13250	10909	144 544 250
12.	Декабрь	31	услуга	13250	10909	144 544 250
	Шартноманинг жами суммаси	365/366				1 261 598 750

Бир миллиард икки юз олтиш бир миллион беш юз тўқсон саккиз минг етти юз эллик сўм

Марғилон Тиббиёт Бирлашмаси раҳбари:



Рахимов Н.

“Supply Foods” МЧЖ раҳбари:



Махмудов Б.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN NORMALARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

2022-yil 20-aprel

Marg'ilon shahri

1. Loyihsaning raqami: FQ43665415.

2. Loyihsaning turi: Shartnoma.

3. Loyihsaning nomi: Outsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish haqida.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:

Loyiha, Marg'ilon shahar tibbiyot birlashmasi (buyurtmachi) va "Supply Foods" MChJ (outsorser) tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 19-aprel kuni dasturga kiritilgan.

5. Loyiha yuzasidan huquqiy xulosa:

Marg'ilon shahar tibbiyot birlashmasi (buyurtmachi) va "Supply Foods" MChJ (outsorser) o'rtasida tuzilayotgan outsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish haqidagi shartnoma loyihasida (summa: 1261598750 so'm) ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasining «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi Qonuni va Fuqarolik kodeksi bilan tartibga solinadi hamda shartnomada nazarda tutilgan taraflarning javobgarligi va nizolarni xal etish tartibi yuqorida zikr etilgan qonunchilik talablariga mos keladi. Qayd etilganlarni inobatga olib shartnomani tuzish **maqsadga muvofiq**.

Marg'ilon shahar YuXK markazi
bosh yuriskonsulti,
2-darajali yurist



A.A.Usmonov